



# Ижтимоий шериклик фуқаролик жамиятининг муҳим институтидир

## ЎЗХДП: ҚОНУН ЛОЙИХАСИ МУҲОКАМАСИ

Партия Марказий Кенгашида бўлиб ўтган тадбирда ташкилотчилар билан бирга экспертлар, халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва вилоят Кенгашларидаги ЎЗХДП гуруҳи аъзолари, Республика жамоат ташкилотлари вакиллари қонун лойиҳасини янада такомиллаштиришга қаратилган қатор таклифларни билдиришди.

### Хотамжон КЕТМОНОВ,

ЎЗХДП Марказий Кенгаши раиси:

— Мазкур қонун лойиҳаси давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида илгари сурилган ғояларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида ишлаб чиқилган. Бу ҳужжат ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга ошириш, гуманитар масалаларни ҳал этиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини

ни ҳимоя қилишда фуқаролик институтларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ўзаро ҳамкорлигининг аниқ тартибини белгилаш ва ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришга хизмат қилади. Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши бизнинг партияимиз учун муҳим аҳамиятга эга. Шу боис бугунгидек тадбирлар, давра суҳбатлари электоратимиз манфаатига дахлдор бўлган таклифларни ишлаб чиқишда яхши самара беради.

### Уллубек ВАФОВ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎЗХДП фракцияси раҳбари.

— Қонун лойиҳаси халқимиз, жумладан, партия электорати турмуш фаровонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади. — Негаки, ижтимоий шериклик аҳолининг ижтимоий ёрдамга эҳтиёжманд қатлами манфаатини ҳимоя қилиш, ижтимоий фаоллигини оши-

риш, бандлигини таъминлаш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, оналик ва болаликни асраш каби қатор йўналишларни қамраб олади. Бу масалаларга партияимиз дастурий ҳужжатларида алоҳида эътибор қаратилган. Демак, ижтимоий шериклик институтининг ҳуқуқий асос-

лари мустаҳкамланиши партияимиз ўз ғояларини амалга ошириши учун қўшимча имкониятлар яратди. Фракцияимиз аъзолари фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ижтимоий шериклигининг аҳамияти

катта эканини эътироф этмоқда. Айни пайтда, қонун лойиҳасида ижтимоий шериклигининг ўзига хос хусусиятлари ва имкониятларини тўлиқ акс эттириш керак, деган фикрни илгари сурашга.

### Алия ЮНУСОВА,

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси аъзоси, ЎЗХДП фракцияси вакили:

— Лойиҳада давлат ва жамиятнинг конструктив мулоқоти юритилиши, аҳоли турли қатламлари манфаатлари ва эҳтиёжлари ҳисобга олинганлиги муҳим ижтимоий дастурларни амалга оширишдаги ҳамкорлик тартибини аниқ белгиламоқда. Ўшбу қафоллар давлат органлари томонидан ижтимоий аҳамиятга эга қарорлар қабул қилиниши,

қонунлар ижроси устидан турли ижтимоий гуруҳлар вакиллариининг жамоатчилик назоратини ўрнатилганлиги иштроки орқали таъминланади. Бу давлат органларининг тегишли қарорлари ишлаб чиқиши жараёнида партия электорати манфаатларини илгари суриш ва келгусидаги қонун ижодкорлиги фаолиятида муҳим аҳамият касб этади.



### Абдужалил ТУРАЕВ,

Олий Мажлис ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ижрочи директори:

— Таҳлилларга кўра, мамлакатимизда нодавлат ношаро ташкилотлари тобора фаоллашиб, салоҳияти ортиб бормоқда. Буни биргина фондимизга тақдим этилаётган лойиҳалардан ҳам билиш мумкин. Бу лойиҳаларнинг асосий қисми аёллар бандлигини таъминлаш, хотин-қизлар ва ёшларни касаначиликка жалб қилиш, аҳолининг ижтимоий кўмакка муҳтож қатламлари манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган. Биргина мисол, ўтган давр мобайнида 140 га яқин ННТ ноширонларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилган лойиҳа асосида 1,6 миллиард

сўмлик маблағ билан қўллаб-қувватланди.

Қонун лойиҳасида ижтимоий шериклик субъектлари қаторида давлат органлари билан бирга, бугунги кунда фуқаролик жамиятининг ташкилий тузилмасини шакллантириб, уларнинг манфаатларини акс эттираётган ННТлар ҳам киритилган. Жамоат фонди ва жамоат комиссиялари фаолияти аниқ тарзда белгилаб қўйилган. Қонуннинг қабул қилиниши фуқаролик жамиятининг муҳим институтлари бўлган нодавлат ношаро ташкилотлари ривожланишини янги босқичга олиб чиқади, деб ҳисоблайман.

### Саодат ТУРСУНБЕКОВА,

«Шарқ аёли» халқаро аёллар жамғармаси бошқаруви раиси:

— Биз ўз фаолиятимизни асосан ижтимоий ҳамкорлик асосида олиб борамиз. XXI аср — ахборот асри. Ҳақиқатан ҳам бугун ахборот коммуникация технологиялари шиддат билан ривожлан-

моқда. Жамғармаимиз фаолияти айнан шу соҳадаги лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган. Шу вақтга қадар 60 дан ортиқ лойиҳани амалга оширдик. «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши фаолиятимиз янада ривожланишида муҳим ҳужжат бўлиб хизмат қилишига ишонамиз.

Семинарда партия электорати манфаатидан келиб чиққан ҳолда қонун лойиҳаси юзасидан қўллаб-қувватлаш бўлиб қаралди. Хусусан, қонун лойиҳасида кўрсатилган ижтимоий шериклик соҳаларини янада ривожлантириш бўйича бир қатор таклифлар илгари сурилди. Уларнинг барчаси қонун лойиҳаси юзасидан ЎЗХДП фракциясининг позициясини шакллантириб олишга хизмат қилади.

Гулулх ОДАШБЕКОВА, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

► Давоми. Боши 1-бетда.

## ЎЗХДП: УСТУВОН ВАЗИФАЛАР

Пленум олдидан партия етакчилари, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳлари аъзолари ҳамда ёшлар ўзaro фикр алмашишди. Ўтган йили қандай камчиликларга йўл қўйилди, бу йил қайси йўналишдаги ишларни кучайтириш кераклиги, бу борадаги таклифлар муҳокама этилди.



Пленумда ЎЗХДП Сирдарё вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Алишер Тошматов партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари томонидан 2013 йилда амалга оширилган ишлар ҳамда Марказий Кенгаш пленуми қарорлари асосида 2014 йилда бажарилаётган асосий вазифаларга тўхталди:

— 2013 йилда амалга оширилган ишлар натижалари таҳлили, жорий йилдаги вазифалар кўламини ЎЗХДП вилоят кенгаши бўлими, туман ва шаҳар партия ташкилотлари ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳларининг Сайловолди дастурини амалга ошириш, ислохотлар самарасини таъминлаш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги масъулиятини жиддий оширишни талаб этмоқда, — деди у. — Айниқса, кучли ижтимоий сиёсат та-

рафдори бўлган ЎЗХДП ташкилотлари «Соғлом бола йили» Давлат дастурини изчил ижро этилиши, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, халқимиз турмушини янада фаровонлаштиришда муносиб иштирок этиши керак.

Шу боис бу борада маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳларимизнинг назорат-таҳлил фаолиятининг аҳамияти тобора ошиб боради. Депутатлик назорати ҳамда жамоатчилик назорати аниқ натижага йўналтирилган бўлиши лозим. Ўшбу масалаларда вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳларимиз аъзолари депутатлик сўрови институтидан самарали фойдаланиши, жойлардаги масалалар юзасидан доимий комиссия ҳамда сессиялар мажлисларида ижро ҳокимияти вакиллариининг ҳисоботларини ишти- риб бўйича таклифлар киритиб бориши зарур.

Бундан ташқари, асосий эътиборимиз тарғибот-ташвиқот тадбирларини янада кучайтириш, аҳоли орасида партияимиз ғояларини кенг тушунтиришга қаратилиши зарур. Бу борада ўтган йили тарғибот гуруҳлари аъзолари билан бирга, малакали сиёсатшунослар, профессионал маърузачиларни жалб қилиш амалиё-

# Аниқ таклиф, чуқур таҳлил

## ЎЗХДП Сирдарё вилоят кенгашининг навбатдаги пленуми ана шу мезон асосида ўтди

бу яхши натижа берди. Бу ўз навбатида ўқув машғулотларини партияимизнинг дастурий ғояларини тарғиб этувчи кўргазмали тарғибот воситаларидан унумли фойдаланилган ҳолда ўтишига, машғулотлар самарадорлиги ошишига хизмат қилди. Хусусан, Гулистон, Мирзаобод, Сирдарё ва Боевўт туманлари ва Ширин, Янгиер шаҳар партия кенгашлари семинарларни интерфаол усуллардан фойдаланган ҳолда музокаралар, савол-жавоблар шаклида ўтказди. Жорий йилда бу йўналишдаги ишларга янгича ёндашиш, йил давомида вилоят мафкура ва тарғибот-ташвиқот бўлими шаҳар ва туман кенгашлари томонидан ўтказилган машғулотларни мониторинг қилиб бориши зарур. Шу асосда уларга ўз вақтида услубий ёрдам бериши, илгор тажрибаларни омдалаштириши талаб этилади.

Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, касаначилик, хунармандчилик ва оилавий тадбиркорликка жалб этиш, тиббий маданиятини юксалтириш борасида олиб борилаётган ишлар, навбатдаги вазифалар хусусида вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси, ЎЗХДП вилоят кенгаши ижроия кўмитаси аъзоси Дилшоҳа Хайдарова фикр билдирди:

— «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлашда «Фаол аёллар» қаноти муносиб иштирок этишига эришишимиз керак, — деди у. — Хотин-қизларнинг ташаббусини қўллаб-қувватлаш, интилишларини рўйбга чиқариш, ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштирокини кенгайтириш борасида зиммамизда катта вазифалар турибди. Чунки, ижтимоий-сиёсий жиҳатдан фаол аёл ҳар бир соҳада муваффақиятга эришар-

ЎЗХДП ташкилотлари «Соғлом бола йили» Давлат дастурини изчил ижро этилиши, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, халқимиз турмушини янада фаровонлаштиришда муносиб иштирок этиши керак.

— Ҳаракат дастурига кўра, 2014 йилда туманимизда болалар ноширонлигининг олдини олиш, туғма ва ирсий касаликларни профилактика қилиш дастури бажарилишини ўрганиш белгиланган, — деди у. — Айни кунларда мазкур масала партия гуруҳимиз аъзолари томонидан ўрганилмоқда. Шу билан бирга, Жамоатчилик қабулхонасига бўлаётган мурожаатларни ўз вақтида ҳал этишга эътибор қаратяпмиз. Биргина ўтган йили қабулхонамизга электорат вакиллариининг 200 дан ортиқ мурожаат бўлди. Депутатларимиз ҳамда тегишли ҳамкор ташкилотлар кўмағида уларнинг аксарият қисмига ечим топилди. Жорий йилда бошланғич партия ташкилотлари фаолиятига ҳар қачонгидан кўра, кўпроқ эътибор қаратмоқдамиз. Чунки, кўйи бўғида ишларни кучайтирмай туриб, мақсадга эришиб бўлмайди.

Пленумда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎЗХДП фракцияси аъзоси Мастура Сайфуддинова, ЎЗХДП Марказий кенгаши сектор мудири Гулжан Асатова, «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи аъзоси Ўтбосар Абдиев, Сирдарё туманидаги «Нуриддин» фермер хўжалиги раҳбари, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи аъзоси Олимжон Абдуллаев, Мирзаобод коммунал хизмат ва уй-ҳў курилиш касбхунаро коллежи битирувчиси, «Истикбол» ёшлар қаноти аъзоси Мафтуна Эргашева сўзга чиқиб, партия фаолиятсиздаги устувор вазифалар тўғрисида ўз фикр-мулоҳазалари, таклифларини ўртага ташлади.

Пленум якунида тегишли қарорлар қабул қилинди.

Нурали ОРИПОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири. Фаррух АЛИЕВ олган суратлар.

# Сайлов тизимини янада демократлаштириш йўлида

Тошкентда Марказий сайлов комиссияси томонидан Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти билан ҳамкорликда давра суҳбати ташкил қилинди. Унда «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)ги қонуннинг сайлов тизимини янада демократлаштиришга тааллуқли қондалари атрофида кўриб чиқилди.

Давра суҳбати иштирокчилари — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти мутахассислари, илмий-тадқиқот ва олий ўқув муассасалари вакиллари, ҳудудий сайлов комиссиялари аъзолари, сиёсий партиялар фаоллари, эксперт ва журналистлар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан парламент муҳокамасига киритилган ушбу қонун алоҳида аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Уларнинг фикрига кўра, Конституцияга киритилган тузатишлар давлат ҳокимиятининг янада демократлашуви, унинг мустақил тармоқлари ўртасида ваколатларнинг қайта тақсимланиши, улар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизими ривожланиши, шунингдек, сайлов тизимининг янада такомиллашувининг муҳим омилга айланган.

Бунда асосий принциплари мустақиллик, қонунийлик, коллегиялик, ошқоралик ва адолатликдан иборат бўлган Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг фаолиятини ташкил этишнинг конституциявий асосларини белгилайдиган Конституциянинг 117-моддасига таклиф этилаётган тузатишларга алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбирда Конституцияга киритилаётган тузатишлар мамлакатимизда сайлов тизимини либераллаштириш ва демократлаштириш бўйича амалга оширилаётган ўзгаришларнинг мантиқий давоми бўлганлиги таъкидланди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2010 йилнинг ноябрь ойида қабул қилинган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси сайлов қонунчилиги аниқ мақсадга йўналтирилган тадрижий ривожланишининг муҳим омилга айланди. Унга мувофиқ, икки палатали парламентга сайловни қонун талаблари ва умумэътироф этилган халқаро принциплар ва стандартларга тўла мувофиқ тарзда ўтказишни таъминлаган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Давра суҳбати иштирокчилари таъкидлаганидек, Марказий сайлов комиссияси мақомининг конституциявий даражада мустаҳкамланиши, шунингдек, у ўз фаолиятини доимий асосда амалга ошириши ва ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг сайлов тўғрисидаги ҳамда референдум тўғрисидаги қонунларига ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилиши лозимлиги белгилаб қўйилиши сайловларнинг демократиклиги, очиқлиги ва ошқоралигини, уларни қонунчиликнинг ҳар томонлама таъминлашининг яна бир муҳим қафолатидир.

Экспертларнинг фикрича, «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)ги қонуннинг қабул қилиниши демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуриш йўлида амалга оширилаётган тизимий ислохотларга ўзаро узулқисиз боғлиқ ҳолда миллий сайлов тизимини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Давра суҳбати якунида Конституцияга киритилаётган сайлов тизими билан боғлиқ янги нормаларнинг мазмун-моҳияти ҳақида жамоатчиликнинг кенг хабардор қилиш юзасидан тегишли тавсиялар қабул қилинди.

ЎЗА

www.xdp.uz

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари фаолияти ҳақида мазкур сайтдан батафсил ахборот оласиз.



## Амир Темури англаш — ўзлимизни англаш демакдир

# Буюк бунёдкор

Соҳибқирон Амир Темури ҳаётини синчиклаб ўрганган киши унинг нафақат тарих, таобат, астраномия, фалсафа, меъморчилик, адабиёт, математика илмининг билимдони, балки табиат, география соҳаларини ҳам яхши билганлигига гувоҳ бўлади. Бу юксак салоҳият унинг мамлакат пойтахтини танлашида, ҳарбий юришларида, шаҳарларни ва муқаддас қадамжоларни обод қилишида, муҳташам обидалар бунёд этишида қўл келган.

Соҳибқироннинг аксарият жангларида галаба қозонгани сабабларидан бири — унинг жанг майдони табиий-географик шароитига алоҳида аҳамият берилганлигидир. Бу ҳақда «Темури тузқлари»да шундай дейилади: «Буюрдимки, амир ул-умаро уруш майдонини танлашда қуйидаги тўрт нарсани назарда тутсин. Биринчиси — у ернинг сувга яқин-узқоқлиги. Иккинчиси — аскар сақлайдиган ерни. Учинчиси — ганим лашкари турган ердан тепароқда бўлиши ва офтобга рўбарў бўлмаслигини, токи қуёш шуъласи сипоҳийлар кўзини қамаштирмасин. Тўртинчиси — уруш майдони олди очик, кенг жой бўлиши лозим».

Қуёш нурининг киши юзига тик тушиши унинг фаоллигини сустайтиради. Буни Амир Темури 243 аскар билан 12 минг Кеш қўшинини чекинишга мажбур қилганидан ҳам билса бўлади. Уша жангда Темури ер юзасининг рельефидан моҳирона фойдаланган. Сел дарёси яқинда 30 минг кишилик Илёс Хўжа қўшини билан ундан икки баробар кам бўлган Амир Темури аскарлари ўртасидаги жангни олиб қарасак ҳам Соҳибқироннинг жой танлаш ва қўшинини бошқариш санъатидаги қўл қоламини аниқ кўришимиз мумкин. Амир Темури учта гуруҳ тузиб, уч томонга жўнатади. Душман яқинлашиши билан у мингта гулхан ёқини буюради. Гулханлар душман қўшинини саросимига солади ва бундан фойдаланган Темури аскарлари галаба қозонади.

Соҳибқирон 1398-1399 йилларда Ҳиндистонга қил-

ган юришида Ҳиндикуш тоғ тизмасининг энг машаққатли жойидан ошиб ўтади. У саркардалардан бошқаларга отларини қолдиришни буюради. Июнь ойида тоғдаги қор эриб, кўчки хавфи пайдо бўлган эди. Амир Темури бу жойдан отларни кигиз тўшаб олиб ўтишни буюради. Ушбу уруш ҳам галаба билан якунланади.

Испан элчиси Клавихонинг ёзишича, Боязид Йилдиримга қарши юришда Амир Темури ўз қўшинини худди чекинаётгандек кўрсатиб, ҳарбий ҳийла ишлатади. Аввалига йўналишини ўзгартирган ҳолда тоққа чиқиб, қўшинини саккиз кун ушлаб туради ва кўкқисдан душман қароргоҳига ҳужум қилади.

**Соҳибқирон барча табиий омилларни чуқур таҳлил қилиб, Самарқандни танлади. Ҳақиқатан ҳам, Самарқанд жойлашган Зарафшон vodi-досининг ўрта қисми ўзининг соф, мусаффо ҳавоси ва ер усти, ер ости сувларининг сероблиги билан ажралиб туради.**

қилиб, уни эгаллайди. Амир Темури илм-фан имкониятларидан нафақат ҳарбий юришларда, балки тинч ҳаётда ҳам фойдалан-



ган. Буни Соҳибқирон томонидан бунёд этилган сув иншоотлари, шаҳарлар экологияси билан боғлиқ мураккаб масалаларни тўғри ҳал этилиши ҳам кўрсатиб турибди.

Амир Темури томонидан мамлакат ирригация тизимини ривожлантириш ва ободончилик борасида ҳам катта ишлар қилинган. Соҳибқирон Мурғоб дарёси vodi-досида жойлашган Марв воҳасида катта суғориш ишларини ташкил этади. Унинг топшириғи билан Мурғоб дарёсидан каналлар қазилиб, сув чиқарилган. 1391 йилда Соҳибқирон буйруғи билан Урганч ва бошқа шаҳарлар обод қилинган.

Бухоронинг қадимги суғориладиган ерларида олиб борилган археологик текширишларда маълум бўлишича, мўғуллар босқини оқибатида бутунлай вайрон бўлган сув ҳўжалиги Амир Темури давридан бошлаб тўла тикланган ва деҳқончилик майдони воҳанинг фарбий чегараси

Урганжий дашти томон кенгайган.

Амир Темури Тошкент атрофида кенглиги 8 метр каналлар қазирган. Сирдарёдан Оҳангаронгача канал ўтказиб, шаҳар типидоғи Оҳангарон кишлогини қурдирган.

Клавихо ўз эсдаликларидо Амир Темури турли мамлакатлардан усталарни Самарқандга олиб келганини ёзади: «...Улар ҳозиргача бу ерда бўлмаган қаноп ва зигирдоғ экидилар». Демак, Соҳибқирон мамлакат деҳқончилигини ҳам янги экинлар билан бойитади.

Амир Темури томонидан Зарафшон дарёсидо, кейинчалик Амударё ва Сирдарёда кўприклар қурилади. Шундо алоҳида таъкидлаш керакки, бу кўприклар ўша давр учун ирригация иншооти вазирасини ўтар эди. Зарафшондоги кўприк бир неча арқдан иборат бўлиб, бир арқаси тош-тўғонли дамба билан тўсилиб, дарёдан шаҳарга сув узатишга хизмат қиларди. Манбаларда қайд этилишича, Дарғом каналининг бошланғич жойи Равотхўжадоги тўғонни таъмирлаш учун ҳар йили 1436 ишчи жалб этилиб, 54 минг бўйра, сомон, шох-шабба, минглаб боғ қамиш, юзлаб

«Буюрдимки, амир ул-умаро уруш майдонини танлашда қуйидаги тўрт нарсани назарда тутсин. Биринчиси — у ернинг сувга яқин-узқоқлиги. Иккинчиси — аскар сақлайдиган ерни. Учинчиси — ганим лашкари турган ердан тепароқда бўлиши ва офтобга рўбарў бўлмаслигини, токи қуёш шуъласи сипоҳийлар кўзини қамаштирмасин. Тўртинчиси — уруш майдони олди очик, кенг жой бўлиши лозим».

арава тош, от-уловлар юборилар эди.

Амир Темури нима учун Самарқандни ўз давлатининг пойтахти қилиб танлади? Манбаларда бунга турли сабаблар келтирилган. Самарқанднинг қулай географик ўрни, шаҳар атрофидаги сервус дарё, булоқлар, шаҳарнинг уч томондан тоғлар билан ўралганлиги, бу ерда уч ҳаво оқими: тоғдан, дарёлардан, далалардан келадиган оқим бир-бирига қўшилиши каби. Шунингдек, Самарқанд заминидо қурилиш материаллари ҳамда қимматбаҳо рангли ва нодир металлларнинг катта захираси мавжуд бўлган.

Шунинг учун ҳам Соҳибқирон барча табиий омилларни чуқур таҳлил қилиб, Самарқандни танлади. Ҳақиқатан ҳам, Самарқанд жойлашган Зарафшон vodi-досининг ўрта қисми ўзининг соф, мусаффо ҳавоси ва ер усти, ер ости сувларининг сероблиги билан ажралиб туради.

Кузатишлар шундо кўрсатадики, Зарафшон vodi-досини ўраб турувчи тоғ тизмалари атмосфера ҳавоси циркуляциясига (айланишига) таъсир этади. Шунинг учун Самарқанд шаҳрига йил бўйи шарқ томондан ва

жануби-шарқий томондан шамол эсиб туради. Шарқдан ва жануби-шарқдан эсувчи бу шамол Зарафшон vodi-досини соф, тоза тоғ ҳавоси билан тўлдирарди. Шу боис Самарқанд шаҳри ва унинг атрофлари нисбатан салқин иқлими билан ажралиб туради.

Бўлажак пойтахтни дунёнинг гўзал шаҳарларидан бирига айланиши учун энг муҳим табиий ресурслардан бири сув эди. Шунинг учун Соҳибқирон сув муаммосини ҳам ҳисобга олган.

Бир сўз билан айтганда, Самарқанд Амир Темури даврида дунёнинг энг гўзал, сўлим, экологик тоза шаҳрига айланган.

Шаҳар атрофида ўн иккита боғ шовуллаб турар эди. Буларнинг орасидо энг йириги Боғижаҳон бўлган.

Клавихо қайдларидо таъкидлашишича, «Самарқанд шаҳри текисликда жойлашган. Бу ерда боғ-роғлар ва тоқзорлар шунчалик кўпки, шаҳарга келганиндо баланд-баланд дараклардан иборат ўрмонни кўрсан, унинг ўртасидо шаҳар туради. Шаҳар ва боғлар бўйлаб ариқлар ўтиб, уларида доимо сув оқиб туради». 1404 йил 8 сентябрда Самарқандга келган Испания элчиларини Амир Темури Боғи Дилқушодо қабул қилади. Клавихонинг ёзишича, «Боғда сув отилиб туради, сувда қизил олма-лар сузиб юрар эди».

Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, Соҳибқирон юқори дид эгаси бўлган, табиатдан завқ ва куч олиб, ўзининг оламшумул бунёдкор режаларини тузган ва уни катта жасорат билан амалга оширган. Президентимиз таъкидлаганидек, «Биз ҳазрати Темури буюк бунёдкор деб бошимизга кўтарамиз. Ўйи заминнинг сайқали бўлиши Самарқандда, Шаҳрисабз, Бухоро, Тошкент ва дунёнинг ўрта қисми ўзининг соф, мусаффо ҳавоси ва ер усти, ер ости сувларининг сероблиги билан ажралиб туради.

Кузатишлар шундо кўрсатадики, Зарафшон vodi-досини ўраб турувчи тоғ тизмалари атмосфера ҳавоси циркуляциясига (айланишига) таъсир этади. Шунинг учун Самарқанд шаҳрига йил бўйи шарқ томондан ва



### Дунё

#### Мақтов

кимга ёқмайди?



Мақтов ёқмайдиган одамни топиш қийин, буни ҳамма тан олади.

Дарҳақиқат, шундай. Бунинг босини япониялик олимлар ўзгача изохламоқдалар: тажрибада аниқлашишича, дейилади «Аргументи и факты» ҳафтаномасидо эълон қилинган ахборотда, мақтов пайтида миянинг кўтаринки рўх учун «жавобгар» бўлган қисми фаол ишлай бошлади ва бу танга ёқимли ҳисни бағишлайди. Ҳатто пуллик муқофотлар ҳам мақтовчилик кишига ҳузур бағишламас экан.

#### Иқлим

#### ўзгаришлари

ҳашаротлар кўпайишига сабаб бўлади



Мичиган университети профессори Мерседес Паскалин айтишича, дейилади «ВВС» хаба-рида, иқлим ўзгаришлари, яъни сайёраимиз ҳароратининг кўтарилиб бориши шу пайтгача ҳеч кузатилмаган ҳудудларда чивинлар пайдо бўлишига шартли яра-тади. Кейинги пайтларда ўтказилган тадқиқот-кузатувлар Африка ва Жанубий Американинг тоғли ҳудудларида ҳам одамларнинг безгакка чалиниши қайд этилаётганини тасдиқлади.

Агар ҳароратнинг кўтарилиши шу йўсунда давом этаверса, безгакка чалиниш ҳолатлари миллионларни ташкил этаверарди.

Профессорнинг гапларига қараганда, одатда денгиз сатҳидан анча баланд ҳудудларга безгак деярли хавф солмайди. Негаки, безгак тарқатувчи чивинлар совуқ ҳароратни хуш кўрмайди.

Паскаль Колумбия ва Эфиопиянинг тоғли ҳудудларига тегишли 1990 йилдан 2005 йилгача бўлган даврдаги маълумотларни тадқиқ қилди. Ҳарорат кўтарилган йиллари безгак ўз ҳудудини кенгайтириб, ҳатто тоғли ҳудудларгача етиб боргани қайд этилган. Ҳарорат анча паст келган йиллари эса бу жараённинг миқдоси анча «тояган». Эфиопияда деярли 50 фоиз аҳоли денгиз сатҳидан 1600-2400 метр баландликда яшайди. Ҳароратнинг 1 даражага ортиши безгакка чалинганлар сони уч миллионга кўпайишни келтириб чиқаради.

#### Мармелад

табиий тозаловчи



Россиялик биологлар организмни йиғилиб қолган қаттиқ қотишмалар бирикмаси («шлак»)дан тозалаш учун мармеладни тавсия этишмоқда. Бунга сабаб: мармелад таркибидо пектин моддаси борлигидир. Пектин организмни қаттиқ қотишмалардан тозаловчи табиий воситадир.

«Аргументи и факты» ҳафталиги маълум қилишича, ўтказилган тадқиқот натижалари шундо тасдиқлади, пектин моддаси барчага маълум бўлган дори воситалари — фоллашган кўмир, целлюлоза ва лигниндан кўра организм учун анча фойдали, яъни «шлак»лардан тез тозалайди.

Алишер РЎЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

#### ВАТАН ҲИМОЯСИ — ОЛИЙ ШАРАФ

Она Ватанга — Мустақил Ўзбекистонга хизмат қилиш бугун ҳар бир йигит учун олий шарафга айланди. Юрт тинчлиги, халқимизнинг осойишта ва фаровон турмуш кечиришини ҳимоя қилишга аҳд қилган ана шундай ўғлонлар яқинда ҳарбий хизматга қақирилган эди.

## Ҳарбий қасамёд қабул қилишди

Ҳозир жойларда аскарларнинг ҳарбий қасам-ёди қабул қилинмоқда. Ана шундай тантаналарнинг навбатдагиси жанубий сарҳадларимизда жойлашган ҳарбий қисмлардан бирида ўтказилди. Кенг жамоатчилик вакиллари, мутасаддилар, ота-оналар ва меҳмонлар иштирок этган тадбир ўзига хос байрамга айланди.

— Пайриқ туманиданман, — дейди оддий аскар Бобуржон Гаффоров. — Ёшлигимдан чегарачи бўлишни орзу қилардим. Педагогика коллежидо ўқиб юрган кезларимда спорт билан шуғулланганим туфайли синовлардан муваффақият-ияти ўтдим. Бугун эса юртимиз сарҳадларини ҳимоя қилганман. Бу менда фахр ва ифтихор ҳиссини уйғотмоқда.

— Тўрт нафар фарзандимиз бор, — дейди Андижон вилоятининг Марҳамат туманидан келган онахон Роҳила Қозоқова. — Умиджон — уларнинг кенжаси. У бугун Ўзбекистондек улур кўрғон, жаннатоманд ватанини қўриқлашга қасамёд қилди. Фарзандим ватан ҳимоясичи бўлиб хизмат қилаётганидан жуда хурсандман.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

## Жамғарма кўмаги туфайли



82,1 миллион АҚШ долларидан ортик миқдордаги экспорт шартномалари тузилади

РЕКЛАМА ЎРНИДА

Мамлакатимизда маҳсулот экспорт қиладиган корхоналарни қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирларнинг амалга оширилиши туфайли ўтган йили экспорт фаолиятига 450 дан зиёд янги корхона жалб этилди. Бу борда Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки ҳузурида барча ҳудудларда ўз филиалларига эга бўлган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилгани алоҳида ўрин тутарди.

Хусусан, ушбу жамғарманинг Самарқанд вилоят филиали жамоаси тадбиркорларга маҳсулотларни экспорт қилишда зарур бўладиган ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий ёрдам кўрсатишда муайян ютуқларга эришмоқда. Чунончи, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг тижорат тақлифларини хорижий ҳамкорларга етказиш ва экс-

лар базаси шакллантирилди. Бунинг асосида экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг жорий йил учун экспорт прогнозлари белгиланди.

Таҳлилга кўра, жорий йилда 112 тадбиркорлик субъектлари жами 145 миллион АҚШ долларига тенг маҳсулотлар экспорт қилиш имкониятига эга. Жамғарма томонидан кўрсатиладиган манзилли кўмак туфайли умумий қиймати 82,1 миллион АҚШ долларидан ортик миқдордаги экспорт шартномалари тузиш режалаштирилди. Мазкур режани бажариш мақсадида жорий йилнинг биринчи чорагида жамғарма томонидан 29 кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кўрсатилган ҳуқуқий-ташкилий хизматлар натижасида жами 37,66 миллион АҚШ доллар миқдоридо экспорт шартномалари тузишга эришилди.

Бундан ташқари, режа дои-

расида жорий йилнинг биринчи чорагида жамғарма кўмагида 57 тадбиркорлик субъектларининг умумий қиймати 32,4 миллион АҚШ долларига тенг маҳсулотлари хорижий давлатларга экспорт қилинди. Мисол учун, «Пастдарғом саховати» МЧЖ 1,5 миллион, «Сиб саховати» МЧЖ 1,8 миллион, «СамантёпГилам» қўшма корхонаси 1,3 миллион АҚШ доллари миқдоридоги маҳсулотларни экспорт қилишга эришган.

Жамғарма томонидан жорий йил февраль ойида Самарқанд вилоятининг барча шаҳар ва туман ҳудудларида экспорт қилувчи корхоналарни қўшимча рағбатлантириш, маҳсулотлар экспортини кенгайтириш ҳамда жамғарма фаолияти билан яқиндан таништириш масалаларига бағишланган давра суҳбатлари ўтказилди. Шунингдек, жамғарма ва «Ўзстандарт» агентлиги томонидан ишлаб чиқариш корхоналарида сифат менежменти тизимини жорий этиш ва шу аснода улар экспорт салоҳиятини янада ошириш мақсадида ҳудудлар кесимида корхоналар ўрганилиб, сифат менежменти тизимини босқичма-босқич жорий этиш жадвали ишлаб чиқилди.

Алишер РЎЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

# Бўлажак олимпиячилар Тошкентда беллашмоқда

Тошкент шаҳридаги бадий гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар республика ихтисослашган олимпия захиралари спорт мактабида ўсмирлар ва қизлар ўртасида спорт гимнастикаси бўйича Осиё чемпионати бошланди.



Мухаммад АМИН олган суратлар.

ган саралаш турнирида.  
Мазкур нуфузли мусобақага мезбонлик қилиш ҳуқуқи Осиё гимнастика уюшмаси Ижроия кўмитасининг 2012 йили Қатарда ўтказилган йиғилишида Ўзбекистонга берилди. Осиё гимнастика уюшмаси мамлакатимизда Президент Ислам Каримов раҳбарлигида спортни, жумладан, гимнастика турларини ривожлантиришга доимий эътибор қаратилган, юртимизнинг нуфузли спорт анжуманларини юқори савияда ўтказишда бой тажрибаси ва имкониятлари борлиги, экспертлар, мутахассислар, мураббийлар ва спортчиларнинг ижобий фикри уни инobatга олиб, мазкур чемпионати Тошкент шаҳрида ўтказишга қарор қилди.

9 апрель куни пойтахтимизда спорт гимнастикаси бўйича Осиё чемпионатининг тантанали очилиш маросими бўлди.

Чорлов садолари остида майдонга Осиё чемпионати иштирокчилари — 22 мамлакат терма жамоалари вакиллари кириб келди.

Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазири



спорт билан мунтазам шуғулланиши учун қулай шароит яратиш давлат сийёсатининг энг муҳим йўналишларидан бирига айланган.

Ўзбекистонда кашф этилган «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», Универсиада спорт ўйинларидан таркиб топган уч босқичли узлуксиз тизим ёш авлодни ҳар жиҳатдан баркамол вояга етишида муҳим аҳамият касб этаётган. Бу тизим катта спортда юқори натижаларга эришишга қодир моҳир спортчиларни тайёрлашда тажриба ва маҳорат мактаби бўлиб хизмат қилаётганини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Бу саъй-ҳаракатлар самарасида мамлакатимизда ватанпарвар, иродаси кучли, ўз мақсади сари дадил интилувчи навқирон авлод вояга етди. Ана шундай баркамол авлод вакиллари билан спортчилар энг нуфузли халқаро мусобақаларда ўз маҳоратини кўп бор намойиш этиб, Олимпия ва Осиё ўйинлари, китъа ва жаҳон чемпионатларида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган.

Халқаро майдонда дунёнинг энг кучли спортчилари сифатида тан олинган спорт гимнастикаси бўйича жаҳон чемпионати ва Олимпия

ўйинлари совриндори Антон Фокин, Пекин Олимпиадасида бронза медални қўлга киритган трамплинчи Екатерина Хилько, 2012 йили Лондонда ўтган Олимпиадада қатнашган биринчи бадий гимнастикачимиз Уляна Трофимова бугун гимнастика билан шуғулланаётган ёш авлод вакилларига ўрнак бўлмоқда.

Уларнинг ортидан етишиб келаётган умидли спортчиларимиздан Азиза Мамажонова бадий гимнастика бўйича Осиё чемпионатида мутлақ голиб бўлди. Спорт гимнастикаси билан шуғулланаётган Дилноза Абдусалимова китъа биринчилигида бронза медални қўлга киритди, Эдуард Шаулов эса қатор халқаро турнирларда голиб ва совриндор бўлди. Бу ёш спортчиларимизнинг маротаба ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги I Олимпия ўйинларида муносиб катнашиб, мухлис мутахассислар эътиборига тушди.

Пойтахтимизда бошланган спорт гимнастикаси бўйича Осиё чемпионатида китъамизнинг энг истеъодли гимнастикачилари совринли ўринлар ва Намкинда бўладиган ўсмирлар ўртасидаги II Олимпия ўйинлари йўлланмалари учун ўзаро куч синашади.

Осиё чемпионатида ўғил болалар ўнта, қизлар тўққизта олимпия йўлланмаси учун рақобатлашади. Белгиланган қоидаларга биноан бир мамлакат вакилларига кўпи билан иккита йўлланма берилади.

Мусобақаларда мамлакатимиз шарафини ўн нафар спортчимиз ҳимоя қилиди.

Осиё чемпионатининг тантанали очилиш маросимида катта концерт дастури намойиш этилди.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,  
Байрам АЙТМУРОДОВ,  
ЎЗА мухбирлари.**

## ПРЕМЬЕРА «Тоға»нинг ростгўй жияни

«Ўзбеккино» Миллий агентлиги буюртмасига биноан «Ўзбекфильм» киностудиясида суратга олинган «Тоға» фильмининг ОАВ ходимлари учун намойиши бўлиб ўтди. Картина воқеалари ўтган асрнинг 80-йилларида Бухоро шаҳрида бўлиб ўтади.



Жумашнинг ёмон одати бор: қимор ўйнайди. Уйнаганда ҳам фирром ўйнайди. Хайрият, бу айб уни бадном қилмаган. Қанча пул топса, болалар уйига беради. Жумашнинг фарзанди йўқ. Шунинг учун болаларни яхши кўради. 8 ёшли Санжарнинг ташрифи ҳаммасини жадаллаштириб юборди. Тоғасига шерик бўлиб, ҳаётнинг паст-баландликлари, ростликлари-ю ёлгонларини кўради. Воқеаларнинг ёлғиз иштирокчисига айланиб қолади, яхши-ёмонни ажратгани ўрганайди. Энг зарур палларда ҳам рост гапиришга ҳаркат қилади. Бу йўлда тоғасини ҳам аяб ўттирмайди.

— Ҳаёт шундай: баъзида омадинг келади, баъзида йўқ. Муҳими, ҳеч қачон таслим бўлмаслик, — дейди Жумаш. Фильмининг бош ғоясига шу фикрлар сингдирилган. Ноодатий сахналар ва муסיқа томошабинни ўзига ром этади, уни фикрлашга, ўйлашга мажбур қилади.

Сценарий муаллифлари Рашид Маликов, Алишер Жуманиёзов. Постоновкачи режиссёр Рашид Маликов. Ролларни Бобур Йўлдошев, Борис Гафуров, Нигора Каримбоева каби истеъдодли актёр ва актрисалар ижро этишган.

Ўз мухбиримиз.

## ТИББИЁТ

### Қишлоқ врачлик пунктлари муқобил энергия билан таъминланмоқда



Сурхондарё вилоятида 250 га яқин қишлоқ врачлик пункти фаолият кўрсатаёпти. Улар замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

Президентимизнинг муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш тўғрисидаги фармони ижросини таъминлаш мақсадида Қумқўрғон, Денов, Қизилқум, Сарисий, Бойсун туманларидаги «Ҳужамулик», «Кунчиқиш», «Мустақиллик», «Бодихаво», «Дўстлик», «Чилонзор» қишлоқ врачлик пунктларида қуёш батареялари ўрнатилган эди. Яқинда эса Узун туманидаги «Жончекка» қишлоқ врачлик пункти ана шундай қулайликка эга бўлди. Йил охиригача воҳодаги бир қатор тиббиёт муассасаларини муқобил энергия билан таъминлаш кўзда тутилган.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,  
«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## МИЛЛИЙ МАТБУОТ МАРКАЗИДА

### Архив соҳасида

#### малакали кадрлар тайёрлаш долзарб масала

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «УзАрхив» агентлиги томонидан ўтказилган матбуот анжумани ана шу масалага бағишланди.

Давлат ва идора архивлари ходимларининг чуқур билим, малака ва кўникмага эга бўлиши архив ишлари ривожлантиришнинг муҳим омилларидан биридир. Шу мақсадда мамлакатимизда архившунослик, иш юритиш соҳалари мутахассисларини тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг самарали тизими яратилди. Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 26 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида архив ишлари янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Бугунги кунда республикаимиздаги 102 та давлат архивдаги ходимлар сони 1222 нафарни ташкил этади, идоравий архивларда 4000 нафар киши меҳнат қилади. Давлат архивларида ишлаётган кадрларнинг 23 фоизи олий маълумотли, 50 фоизи ўрта махсус маълумотга эга. Сўнгги йилларда соҳага ёш кадрларни жалб этиш бўйича қўрилган чора-тадбирлар натижасида архивларда ёш кадрлар таркиби

2,5 баробарга ошди. Бу борада 28 ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаси ва учта олий ўқув юрти билан мустаҳкам ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Архив иши ва иш юритиш соҳаси мутахассисларининг қисқа муддатда малакасини ошириш мақсадида 2006 йилдан буён марказий давлат архивлари қосида «Ижро назорати ва иш юритиш маҳорати» ҳамда «Идоравий архивлар фаолиятини ташкил этиш асослари» ўқув курслари фаолият юритмоқда.

Бироқ идора ва ҳамма ташкилотларда ҳам архив ишлари тўғрисида қилинмаган. Айниқса, ходимлар ҳужжатлари билан шуғулланувчи иш юритувчи ёки кадрлар бўлимида ишлаётганларнинг архив ишларидан хабардорлиги кўнгилдагидек эмас. Бунинг оқибатида қатор муаммолар юзага келмоқда.

Анжуманда ушбу муаммоларнинг ечими юзасидан қўрилатган чора-тадбирларга ҳам алоҳида тўхталинди.

Шунингдек, агентликнинг масъул ходимлари мавзу юзасидан журналистларни қизиқтирган саволларга атрафлича жавоб беришди.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,  
«Ўзбекистон овози» мухбири.**

# EMMM

## Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва меҳмонлари диққатига!

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат кўмитаси Электромагнит мослашув маркази огоҳлантиради:

Республика ҳудудига рухсатномасиз ва сертификатсиз олиб кирилган ҳамда сотувда бўлган ва ишлатилаётган радиоэлектрон алоқа воситалари (узоқ масофали радиоузаитиргичлар, радиостанциялар ва бошқа радиоузатгич воситалари) ўрнатилган тартибда мусодара қилинади ва уларни олиб киришни амалга оширган шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик чоралари кўрилади.

Радиоэлектрон алоқа воситаларини республика ҳудудига олиб кириш учун рухсатнома олиш ва ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказишни расмийлаштириш масалалари бўйича Электромагнит мослашув маркази ва унинг вилоят бўлинмаларига мурожаат қилишингиз мумкин.

**БИЗНИНГ МАНЗИЛЛАР:**

<b>Тошкент шаҳри,</b>	Нукус кўчаси, 22-уй, блок «В», тел: 230-61-13, 120-30-22.	<b>Навойй шаҳри,</b>	Амир Темуր кўчаси, 4-уй, 802-хона, тел: 230-64-69.
<b>Андижон шаҳри,</b>	Чўлпон шоҳ кўчаси, 5-уй, 49-хонадон, тел: 230-64-65.	<b>Наманган шаҳри,</b>	Марғилон кўчаси, 8-а уй, 2-корпус, 54-хонадон, тел: 230-64-72.
<b>Бухоро шаҳри,</b>	академик И. Мўминов кўчаси, 2-уй, тел: 230-64-66.	<b>Самарқанд шаҳри,</b>	Сельский, Колбоғ п/б, ТРНС, тел: 230-64-80.
<b>Жиззах шаҳри,</b>	Халқлар дўстлиги шоҳ кўчаси, АТС-4 биноси, тел: 230-64-68.	<b>Термиз шаҳри,</b>	5-кичик лаҳа, 1-уй, 16-хонадон, тел: 230-64-79.
<b>Нукус шаҳри,</b>	Ерназар Алақоз кўчаси, ШАТС биноси, тел: 230-64-75.	<b>Гулистон шаҳри,</b>	Мустақиллик кўчаси, 54-уй, тел: 230-64-67.
<b>Қарши шаҳри,</b>	2-микрорайон, 43-уй, 62-хонадон, тел: 230-64-78.	<b>Фарғона шаҳри,</b>	Алишер Навойй кўчаси, 37-г уй, 36-хонадон, тел: 230-64-74.
		<b>Урганч шаҳри,</b>	Нажмиддин Кубро кўчаси, 7-уй, тел: 230-64-77.

**MUASSIS:**

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

**Bosh muharrir: Safar OSTONOV**

**TANHIR HAY'ATI:**

Abdulla ORIPOV	Ulug'bek	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	MUSTAFOYEV	Farruh HAMROYEV
Ulug'bek VAOYEV	Muslihidin	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV	MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA
Sharbat ABDULLAYEVA	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

**Qabulxona — 233-65-45**  
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56  
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

**MANZILIMIZ:**  
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

\*Sharq\* nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.  
Korxonalar manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.  
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.  
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 460  
19546  
nuxxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220 t — Tijorat materiallari  
O'za yakuni — 22.30  
Topshirilgan vaqti — 00.40

**Sotuvda kelishilgan narxda**

Navbatchi:  
Bobur ELMURODOV

Sahifalovchi-dasturchilar:  
Sobirjon TUNG'ATOV,  
Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5